



Ислом Нури

Хурматли ота оналар, пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва саллам айтадиларки: Аллохнинг тўксон тўккизта исми бор. Кимда ким уларни ёдласа (ва амал килса) албатта жаннатга киради. (Бухорий ривояти)

Иймонида содик бўлган муъмин солих амалларни кидириб юради. Топганида бир лахза ҳам кечиктирмайди. Азиз ота-оналар, Сизлар Роббингиз Аллох таолонинг канча исмлари ва сифатларини биласиз?!!

1. Савол: Болажоним бирор киши кўзи билан Аллох таолони кўрганми?

Жавоб: Йўқ дадажон ҳеч ким кўрмаган.

2. Савол: Биз Роббимизни кўрамизми?

Жавоб: Ҳа дадажон, муъминлар тўлин ойни кўрганларидек, Аллох таолони охиратда кўришади. Бу дунёда эса ҳеч ким кўрмайди.

3. Савол: Болажоним, Аллох таолонинг кўли борми?

Жавоб: Ҳа дадажон, Аллохнинг икки кўли бор.

4. Савол: Унинг кўллари бизнинг кўлларимизга ўхшайдими?



Ислом Нури

Жавоб: Йўк, Аллохнинг кўллари бизнинг кўлларимизга ўхшамайди. Кўллари канака эканлигини фақат Унинг ўзи билади.

5. Савол: Болажоним Аллох таоло гапирадими?

Жавоб: Ха дадажон,
Аллох таоло қачон ва нимани хоҳласа гапиреди.

6. Савол: Куръонга
қандай Иймон келтиришимиз керак?

Жавоб: Куръон Аллох таолонинг қаломи,
яъни Аллохнинг гапи, деб Иймон келтирамиз.

7. Савол: Болажоним, Аллох
таоло охирада биз билан гаплашадими?

Жавоб: Ха дадажон, Пайгамбаримиз
саллалоҳу алайҳи ва саллам бундай дейдилар: Сизлардан ҳар
бирирингиз борки,
киёмат кунда Аллох у билан гаплашади. У билан Аллох ўртасида
таржимон
бўлмайди;.

Аллохдан офият сураймиз!